БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 263 (3764)
20 ДУШАНБА НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, КЎПРОҚ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

### МАЖБУРИЯТГА ҚЎШИМЧА

Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 127-автобаза коллективи йил давомида планга қўшимча 50 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиш мажбуриятини олишган эди. Коллектив бу мажбуриятини муддатидан олдин адо этди. Шу кунгача автобазада планга қўшимча ташилган юклар 70 минг тоннага етди. Жами эса ҳайдовчилар 2 миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юкларини манзилга етказдилар.

Корхонада юк машиналарининг бетиним, самарали ишлашини таъминлаш, кўплаб ёнилғи ва мойлаш материалларини тежаш учун бошланган курашда Юрий Калабин, Георгий Мезников, Равил Сулаймонов бошлиқ бригадалар намуна бўлишяпти.

Юрий Мезников бошлиқ бригада коллективи май ойининг охиридан бери ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти. Бу коллектив бригада пудрати методида ишлаб, ярим прицепларни мок усулида алмаштириш методини жорий этиб, транспортнинг бекор юришига деярли мутлақо барҳам берди. Ҳайдовчилар шундай қилиб, смена топшириқларини муntазам икки баравар ортиғи билан адо этишяпти.



Эл дастурхонига 30 хил кондитер маҳсулотларини тайёрлаб бераётган Тошкентдаги «Ўртоқ» фабрикасининг ишчан коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш борасида фидокорона меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: Давлат Сифат белгиси билан маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган конфет цехи участкаси.

### Тармоқ новаторларининг тажрибаси

Енгил саноат ходимларидан бир мингдан ортиқ киши салмоқли резервлардан фойдаланиб, шахсий беш йиллик планларини бажардилар, бир миллионга яқин киши уч йиллик топшириқларни муваффақият билан адо этди. СССР Халқ Хўжалик Ютуқлари выставкасида 15 ноябрда очилган выставка тармоқ новаторларининг тажрибасини намойиш қилади.

Выставка бўлимларидан бири кўп станокчилар ҳаракатига бағишланган. Хизмат қилинадиган асбоб-ускуналар зонасини кенгайтириш ва турдош касбларни эгаллаш ҳаракати ўнинчи беш йилликда социалистик мусобақанинг энг таъсирчан формаларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда тармоқдаги тўқувчиларнинг 60 проценти ва йигирувчиларнинг қарийб 75 проценти тармоқда белгиланган нормалардан анча катта зонада ишламоқдалар.

Кўргина стендлар, кўйилган маҳсулот намуналари, болалар учун керакли буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эришган муваффақиятларини намойиш қилади.

Выставкадан мақсад новаторларнинг ва илғор корхоналарнинг тажрибаларини оммалаштиришдир. Бу эса тармоқда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришни гарантиялайди.

[ТАСС].

### Самарали тадбир

Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида санитария-техника жиҳозлари экспериментал заводида олтита рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Эндиликда қўл меҳнатини талаб этувчи кўпгина иш жараёнлари механизмлар зиммасига юклатилди. Жумладан, иситиш приборларининг уланиш жойларини рихтовка қилувчи механизациялашган дастгоҳ унумдор ва сўмликдан ортади.

— Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун Н. Глибченко, А. Григорян, В. Котов, А. Стукалов каби рационализаторларимиз айниқса, жонбозлик кўрсатишяпти, — дейди завод бош инженери А. П. Чирва.

### ПРАВДА саҳифаларида

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Гвинея Демократик партияси XI съездига табриги эълон қилинган.

● 18 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Менгисту Хайле Мариам ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги дўстона ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш давом эттирилди.

● Эришилган ўзаро келишувга биноан Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Нур Муҳаммад Тараки СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ 1978 йилнинг декабрь ойи биринчи ярмида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

● «Комитетга сайландилар» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

## Самарали тадбир

*Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантирамиз*

## СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙЛИК

Ноябрь ойида обҳавонинг ҳар хил бўлаётганлиги кўчат ва яшил тўсиқлар ўтказиш учун ҳар бир кун, ҳар бир соатдан юксак унум билан фойдаланишни тақозо этади. Шаҳримизнинг барча районларидаги кўкаламзорлаштирувчилар эса бунга ҳали тўғри тушунишаётгани йўқ. Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармаси ҳалигача кўчат ўтказишни пайсалга солиб келяпти. Бу ерда 17 ноябргача бор-йўғи 500 туп кўчат ўтказилган халос. Бундай қолоқликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Манзарали боғдорчилик совхозида ҳамда «Тошкент гуллари» идорасида турли хил кўчатлар мавжуд.

Ҳозиргача барча районларда кўчат ўтқазиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар плани ишлаб чиқилган. Ободонлаштириш бошқармаларининг бошлиқлари энди бу планни амалга ошириш учун конкрет ишларга ўтишнинг вақти етди. Республика олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг коллективлари кўкаламзорлаштириш ойлигида жуда суст иштирок этяптилар. Бошқа министрлик ва ташкилотлар ҳам кўчат ўтқазишга киришгани йўқ.

Кўкаламзорлаштириш тадбирларининг нақадар муҳимлигини баҳолаш қийин. Энг аввало кўпчилик жойларда ҳашар йўли билан ва коллективларнинг биргаликдаги меҳнатлари билан амалга ошириладиган бу ишлар шаҳримизни янада кўркамлаштиради, аҳолининг меҳнат қилиши ва ҳордиқ чиқариши учун энг қулай шароитлар яратиш имконини беради. Ана шунинг учун ҳам шаҳарнинг ҳар бир аъзоси республика пойтахтини кўкаламзорлаштиришдек умумий ишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

### ШАҲАР РАЙОНЛАРИДА КЎЧАТ ВА ЯШИЛ ТЎСИҚЛАР ЎТКАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 17-НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ:

(Мавсум бошидан буён, минг дона ҳисобида)

| Районлар | План | Бажарилиши |
|---|---|---|
| Ленин | 76,3 | 4,65 |
| Ҳамза | 76,6 | 17,3 |
| Куйбишев | 76,9 | 13,22 |
| Киров | 76,3 | 9,2 |
| Октябрь | 76,3 | 12 |
| Собир Раҳимов | 76,7 | 0,5 |
| Акмал Икромов | 74 | 3 |
| Чилонзор | 74 | 5,08 |
| Фрунзе | 74 | 2 |
| Сергели | 76 | 9,2 |

### ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

## Жилокорлар иш бошлади

4-қурилиш трестининг 38-қурилиш бошқармаси Улуғ Октябрь 61 йиллиги арафасида уч йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт берган эди. Коллектив йиллик топшириқларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун иш суръатини кучайтирмоқда. И. Расулов, М. Муҳаррамов, Б. Ҳўжаев бош бўлган бригадалар айни кунларда 1979 йилнинг март — апрель ойлари ҳисобига ишлашяпти.

Бошқарма қурувчилари тўртинчи кварталда Юнусобод массивида болалар поликлиникаси, «Союзхлопкомаш» заводининг ётоқхонаси, бир қатор турар жой бинолари қурилишини тугаллашди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобининг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган М. Муҳаррамов бригадаси М. Горький проспектида биоорганик химия институтининг инженерлик-лаборатория корпуси қурилишида умумий бинокорлик ишларини тугаллади.

### БУГУН

**объектда жилокорлар меҳнат қила бошладилар.**

Шунингдек, Полеков кўчасида 48 квартирали турар жой биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Бу объектда Б. Ҳўжаев бригадаси графиқдан ўзган ҳолда меҳнат қилган эди.

## Н. Злобин усулида

«Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» қурилиш трести 69-қурилиш бошқармасининг Нодир Файзуллаев бошлиқ комплекс бригадаси коллективи кейинги пайтларда злобинчаларга ишлаб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Бригада 1 Май кўчасида лойиҳа институтининг етти қаватли корпуси қурилишида ишлаётир. Коллективнинг барча ишчилари 2— 3 касбни яхши эгаллаганликлари туфайли меҳнат унумдорлигини ўстиришга муваффақ бўлишмоқда.

Меҳнат беллашувларида Омон Даминов, Виктор Говбахер каби қўли гул қурувчилар пешқадамлик қилишяпти.

### БУГУН

**бригада бинонинг сўнгги қаватини монтаж қилишни тугаллаб, ёрдамчи пудратчиларга иш фронти ҳозирлаб берди.**

## Қишлоққа — самарали ёрдам

## Оталиқ мадади кучаймоқда

Шаҳримиз медицина ходимлари Тошкент, Сирдарё, Жиззах области медицина ходимларига кўп йиллардан бери оталиқ ёрдами бериб келишмоқда. Фақат шу йилнинг сўнгги ўн ой мобайнида оталиқдаги районларга 800 врач, 700 ўрта маълумотга эга бўлган медицина хизматчилари, 50 га яқин санитария-эпидемиология хизмати ходимлари жўнатилди. Улар жойларда ўз ҳамкасбларига амалий ёрдам кўрсатдилар.

Қишлоқлардаги даволаш-профилактика муассасаларида врачларнинг илмий-амалий конференциялари мунтазам равишда ўтказилиб турилибди. Тошкент медицина институти ва Ўрта Осиё медицина педиатрия институти клиникаларида эса оталиқ районларида хизмат қилаётган врачлар ва ўрта медицина хизматчиларининг малакаларини ошириш курслари ташкил этилган. Жумладан, шу йилнинг ўзида шаҳар клиникаларида 900 дан ортиқ врачлар малакаларини ошириш имкониятига эга бўлдилар.

Қишлоқ касалхоналари учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар, аппаратура ва лаборатория анжомлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Колхоз дала шийпонлари ҳар йили аптечкалар билан таъминланмоқда.

Айниқса пахта компанияси қизғин тус олаётган ана шу долзарб кунларда қишлоққа оталиқ ёрдами тобора кенг қулоч ёймоқда. Пахтакорлар санитария транспорти ва барча зарур бўлган медикаментлар билан тўла таъминланган. Олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг профессор ва ўқитувчилар составидан ташкил топган 10 та консультатив группа ташкил этилган. 39 та совхозда эса Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси медицина хизматчиларидан иборат бир нечта консультатив бригадалар ишлаб турибди.

Пахта йиғим-терими компаниясидек катта ишга муносиб улушини қўшиш шаҳримиз медицина хизматчиларининг катта ва масъулиятли бурчидир. Буни ҳар бир медицина ходими чин юракдан ҳис қилмоқда ва амалда исбот этмоқда.

## Совхоз маъмурияти хурсанд

Жиззах областининг Мирзачўл районидаги Абай номли совхозда пахта терими авжида. Бу ерда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 2700 нафар студенти пахтакорларга сидқидилдан ёрдамлашмоқда.

Факультетлараро социалистик мусобақа қизғин тус олган. Кейинги беш кунлик тўлиби деб топилган енгил саноат факультети студентлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Олий ўқув юртининг ҳар бир студенти эллик-олтмиш килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Совхоз раҳбарлари студентлар кўмагидан хурсанд.

С. МАМАЖОНОВ.

## Пахтакорлар хузурида

Чилонзор райони «Билим» жамияти ва Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти «Билим» жамиятлари лекторлари Жиззах областининг Арнасой районидаги К. Е. Ворошилов номли совхоз механизаторлари ва ҳашарчи студентлар ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Ўрик» эсдаликлари бўйича суҳбатлар ўтказдилар.

Институт доцентларидан Н. А. Авазбоев, М. А. Аъзамов, фан кандидатлари А. А. Алихўжаев, Ш. Р. Рўзиев асар ҳақида мароқ билан гапириб беришди. Лекторлар қўриқ ерларни ўзлаштириш ва дон етиштиришни кўпайтириш борасида коммунистик партия раҳбарлигида совет кишилари олиб борган кураш ёркин акс этганлигини таъкидладилар. Ўзбекистон пахтакорлари ҳам Мирзачўл, Қарши чўлларини ўзлаштириб, мўл пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиб, юқори ҳосил олишни таъминлаётганларини ёркин мисолларда ҳикоя қилиб бердилар. Бу асарнинг илҳомбахш сатрлари пахтакорларимизни, жумладан, ҳашарчи студентларни ҳам бу йилги 5 миллион 700 минг тонналик катта хирмонга ўз муносиб ҳиссаларини қўшишга ундамоқда.

К. ЖУМАНИЁЗОВ.

## БАХТИЁРЛАР МАСКАНИ

Чилонзор массивининг 14-кварталида 280 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Кичкинтойларни ўз бағрига олган боғча биносини 153-трестнинг 14-қурилиш бошқармаси бинокорлари қуришди. Замонавий жиҳозлар, музика машғулотлари зали ва бошқа хоналар тарбияланувчиларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтишига хизмат қилади.

Янги боғча шаҳримизда шу йил қурилган ўн учинчи бахтиёрлар маскани бўлиб, ҳозир яна ўнта болалар боғчаси қурилиши тезкорлик билан олиб бориляпти. Эндиликда пойтахтимизнинг 120 мингдан ортиқ ёш граждани 576 та болалар боғчасида тарбияланяпти. Бундан 224 таси турли ташкилот ва муассасалар ихтиёридадир. Ваҳоланки бундан йигирма йил илгари уларнинг сони юзтага етармас эди. Болалар муассасаларининг равнақ топаётганлиги ҳақида шаҳар халқ маорифи бўлимининг мактабгача тарбия муассасалари инспектори О. И. Муҳамедова шундай деди:

— Партия ва ҳукуматимиз ёш авлод ҳақида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Биргина Тошкент шаҳрида 576 та болалар боғчаси ишлаб турганлиги ана шу ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир. Болалар атрофида 10 мингга яқин тарбиячи ва мураббийлар парвона бўлишяпти. Улардан тўрт ярим мингдан ортиғи олий маълумотли мутахассислардан иборат.

## ҲАШАР

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 200 га яқин студенти Тошкент областининг «Ғалаба» районидаги «Огонёк» совхозида меваларни йиғиштириб олишда деҳқонларга ёрдам берди. Улар кузги пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Совхоз раҳбарлари студентлар кўмагидан хурсанд.

## М. Шайхзодага бағишланади

Алишер Навоий номли республика кутубхонасида таниқли ўзбек шоири, драматург, таржимон, адабиётшунос М. Шайхзода туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган выставка очилди. Выставкада шоир ҳаётининг турли йилларида ёзилган асарлар ва улардан энг дастлабкиси 1928 йилда нашр этилган «Ўнта шеър» тўпламидан қўйилган. Шу тўпламга киритилган кўпгина шеърлар Владимир Маяковский шеърлари услубида ёзилган. Мақсуд Шайхзода биринчи бўлиб нотиқ-шоир асарларини таржима қилган эди. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин», «Яхши» поэмалари, кўпгина шеърлари шулар жумласидандир.

Выставкада ўзбек ёзувчиси М. Шайхзоданинг илмий асарлари, унинг мамлакатимиз ва чет эл халқлари тилларида нашр этилган асарлари намойиш қилинган.

[ЎзТАГ].



«Ташхимсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган «ОВХ-14» чанглагич-пуркагич машинаси мана бир неча йилдирки фахрли беш қиррали белги билан тайёрланяпти. Бу йил коллектив машинанинг модернизация қилинган янги намунасини ишлаб чиқарди. Бу машинанинг юқори сифатда тайёрланишида корхонанинг 11-цехи йигувчилари (суратда: чапдан-ўнгга), Александр Латишев, Юрий Рачуков ва Ҳайдар Юсупов ўртоқларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар маҳсулотни юқори сифатда тайёрлаб, биринчи тақдимда топшириш билан бирга, смена-йўлик топшириқларини мунтазам 125—130 процент адо этишяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

### ▲ ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

## Узоқ манзил яқин бўлди

«Ташпассавтотранс» Бош бошқармаси шаҳримизнинг кўп сонли йўловчилари истакларини инобатга олиб Улуғбек посёлкаси билан революция хиёбони оралигида қатновчи маршрут такси линиясини ишга туширди.

Янги линия бўйича ҳар куни 3— 4 машина қатнамоқда. Бошқарма маршрут такси автобуслари ҳаракати бўлимининг бошлиғи У. Убайдулланевнинг маълум қилишича ҳозирги пайтда 140 га яқин маршрут такси машинаси шаҳарнинг барча бурчакларига мунтазам қатнаб турибди. Бу таксилар масофаларининг умумий узунлиги 500 километрга яқин.

### ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

## АМЕРИКА АДЛИЯСИ ЎЗИНИ-ЎЗИ ФОШ ЭТДИ

Америка Қўшма Штатларининг юстиция министрлиги уяличмингтонлик мард ўновлон гуноҳсиз эканига иқрор бўлди. Америкадаги ва бутун дунёдаги софдил кишилар олти йилдан бери уларнинг озод этилиши учун курашиб келган эдилар. Шу тариқа Америка адлиясининг олий махкамаси Шимолий Каролина штатининг ирқчи маъмурлари Американинг гражданлик ҳуқуқлари учун курашчиларни 282 йил қамоққа ғайри қонуний равишда ҳукм қилганлигига имзо чекди.

Бундан бир неча кун муқаддам Америка маъмурларининг машҳур тараққийпарвар ашулачи Дин Риддан ўч олиш йўлидаги уриниши барбод бўлган эди. Бу ашулачи очиқдан-очиқ сиёсий сабаблар билан судга берилган эди.

«Биз ҳаммамиз Америка механизаторларининг поймол этилган гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилаётганлигимиз учун бизни таъқиб этмоқдалар,— деди у.— Бизнинг қамоққа олинишимиз— Америка маъмурларининг адолатсизликка, бедодликка, жабр-зулмга қарши чиқаётган кишилардан ўч олаётганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисолларнинг биридир».

Қўшма Штатлар матбуотининг қайд этишича, Америка «демократияси» шароитида юстиция министрлигининг «ўновлон» иши юзасидан қилган эътирофи уларнинг озодликка чиқишини асло билдирмайди. Уйлмингтонликларнинг раҳбари Бен Чейвис ҳамон панжара орқасида турибди. Шимолий Каролина ирқчилари федерал маъмурларнинг фикрини писанд қилмай, унинг мард сафдошларини таъқиб қила беришлари мумкинлигини айтмоқдалар.

Америкада қанчадан-қанча инсон ҳуқуқлари учун курашчилар ҳамон панжара орқасида ётибди! «Американлик индеецлар ҳаракати»нинг раҳбарлари Л. Пелтцер, Р. Минс ва бошқалар қасддан тўқилган ёлғон айблар билан турмага ташланди. Пуэрто-Рико мустақиллиги учун, негр аҳолисининг граждан-лик ҳуқуқлари учун курашчилар камераларга тиқиб қўйилган. АҚШда минглаб сиёсий маҳбуслар адолатсизликка, ирқий қамситишга, граждан-лик ҳуқуқлари доимо бузиб келинаётганлигига қарши курашганликлари учунгина узоқ йиллар азоб-уқубатга маҳкум этилганлар.

Айни вақтда реакция хизматини адо этаётган кўплаб жиноятчилар АҚШда ялло қилиб юришибди. Нью-Йорк районларидан бири судининг якинда негр активисти Артур Виллерни шу ёзда ваҳшиёна ўлдирган полициячилар-ни суд жавобгарлигига тортмаслик тўғрисидаги қарори бунинг яна бир мисолидир. Шу полициячилар негр йигитни «ёнида қуроли бор деб гумонсираб» ўшлаб олдилар ва сўнгра уриб ўлдирдилар.

Социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари гўё «бузилмоқда» деган сохта гап хусусидаги шовқин-суронли ташвиқот кампанияси Қўшма Штатларнинг ўзидаги аҳоли асосий ҳуқуқларига қилинаётган кўпол хуружларни бесўнақайлик билан ниқоблovчи бир парда, холос.

С. КУЛИК,
ТАСС обзорчиси.

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

# ШАВКАТЛИ МЕҲНАТНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак ярашади. У фақат республикамиз пойтахтида Ўзбекистондагина эмас, унинг ташқарисида ҳам кўпчиликка маълумдир. Энг аввало, ўзларининг ажойиб ишлари, меҳнат ғаъналари, кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан машҳурдир.

Бугуни кунда авиация ишлаб чиқариш корхонаси— бу фақатгина замонавий техника билан жиҳозланган улкан цехларгина эмас, шу билан бирга жипслашган кўп миллатли коллектив ҳамдир, унинг ишлари эса шаҳарнинг кўплаб корхоналари учун намуна бўлмоқда. Беш йилликлар оша авиасозлар техника ва социал-иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштиришда р, план топшириқлари ва юксак социалистик мажбуриятларнинг бир маромда бажарилишини таъминламоқдалар. Бу йил бирлашмага эришган муваффақиятлари учун коммунистик меҳнат коллективи номи берилгани бежиз эмас!

Авиасозлар бу юксак ишончни беш йиллик вахтисидаги янгидан-янги меҳнат ғафарлари билан исботламоқдалар. Масалан, беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш ҳажми салкам учдан икки ҳисса ошди. Бу ўсишнинг 86,4 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Мана, 8 йилдирки, коллектив тармоқ корхоналари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида олдинги сафда бормоқда.

Бу тушунарли, албатта. Негаки, ҳозирги кунда авиасозларнинг 96 процентдан зиёдроги меҳнат белашувида қатнашмоқда. Ҳамма жойда, барча бўлимларда ростовликлар ва янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси қўллаб-қувватланди, чкаловликларнинг 90 процентдан зиёди меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида иштирок этмоқда. 39 цех ва бўлим, 780 ишлаб чиқариш группаси, бригада, бюро коллективлари ана шу юксак номга сазовор бўлишган.

Бирлашмада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов партия конференциясида ана шундай ёрқин фактлар келтириб ўтилди. Докладчи — корхона партия комитетининг секретари Ф. Н. Нажмиддинов ва конференция делегатлари — йигувчи М. Э. Муҳиддинов, фрезерчи А. Б. Савельев, слесарь Н. Маннопов ва бошқалар барча ташаббус ва муваффақиятларда коммунистлар етакчилик қилаётганини таъкидлашди. Коммунистлар ўзларининг меҳнат ишқоатлари, ижодий ғайратлари, активликларга намуна бўлмоқдалар, уларни янги, юксак марралар сари чорламоқдалар.

Шонли, ташаббускор ижодкорларидан— ишлаб чиқариш новаторлари— СССР Олий Советининг депутати Т. К. Ляшко, республика Олий Советининг депутати, слесарь Н. Маннопов, фрезерчи А. Девятова ва бошқалар мусобақада етакчилик қилмоқдалар. Уларнинг ташаббуслари ҳар бир бўлимда қўллаб-қувватланди, чкаловликларнинг 90 процентдан зиёди меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида иштирок этмоқда. 39 цех ва бўлим, 780 ишлаб чиқариш группаси, бригада, бюро коллективлари ана шу юксак номга сазовор бўлишган.

Бирлашмада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов партия конференциясида ана шундай ёрқин фактлар келтириб ўтилди. Докладчи — корхона партия комитетининг секретари Ф. Н. Нажмиддинов ва конференция делегатлари — йигувчи М. Э. Муҳиддинов, фрезерчи А. Б. Савельев, слесарь Н. Маннопов ва бошқалар барча ташаббус ва муваффақиятларда коммунистлар етакчилик қилаётганини таъкидлашди. Коммунистлар ўзларининг меҳнат ишқоатлари, ижодий ғайратлари, активликларга намуна бўлмоқдалар, уларни янги, юксак марралар сари чорламоқдалар.

Зотан, иқтисодий хизмат бўлими фаолиятида ана шундай камчиликлар содир бўлмоқда. Планлаштириш, таъминот системасини такомиллаштириш юзасидан етарлича актив иш олиб борилмаяпти. Бирлашма филиалларига суст ёрдам кўрсатиляпти.

Капитал қурилиш бўлими шаънига ҳам танқидий фикрлар айтилди. Ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш ва бунёд этиш ишларининг чала қолиши, энг аввало, шу бўлимда ишлаб чиқаришнинг етарлича юксак савияда ташкил этилмаганидадир.

Конференция делегатлари коммунистларга, ҳамма кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласи тўғрисида ҳам гапирилди. Ҳисобот даврида умуман кадрлар қўнимсизлиги маълум даражада камайди. Фақат шу йил бошидан буён у 10 процент камайган. Бирлашманинг партия ташкилотлари бу масалага кўч-гайратларини сафарбар этишлари керак.

Конференция делегатлари коммунистлар, бутун коллективни шу кунларда ўйлантираётган масалалар тўғрисида ғамхўрлик руҳида гапирдилар. Аммо, улар фақат фактларнигина қайд этиб қолмасдан, қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг конкрет йўл ва воситаларини кўрсатиб ўтишди. Ташкилий ва идеологик ишларнинг барча форма ва методларини ана шунга изчил қаратиш, ишлаб чиқаришга, коллективнинг кўп қирралы ҳаётига партиявийлик услубини такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу кунларда барча чкаловликлар КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик режаларини амалга ошириш учун зўр иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. Бу иштиёқни бирлашмада кенг тарқалган «Сифат ва самарадорлик беш йиллигига— ишчи кафолати» ташаббуси яққол кўрсатиб турибди. Иши билан сўзи бир авиасозлар буни амалда ёрқин кўрсатмоқдалар.

Конференция қатнашчилари партия комитетининг янги составини сайладилар, навбатдаги конкрет ҳаракат программасини ишлаб чиқдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев сўзга чиқди.

**Ҳ. ИКРОМОВ,**
**Р. ТЭЛЛЬ.**



**СУРАТДА:** «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Валентина Васильевна Барданова тасвирланган. У 30 йилдан бери ана шу корхонада меҳнат қилиб келади. Валентина Васильевна ёшларнинг меҳрибон мураббийларидан бири ҳисобланади. Чунки у шу йиллар давомида бир неча ўнлаб шогирдлар тайёрлади.

Р. Загратдинов фотоси.

✦ РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

## Янги иншоот

Жанубий Мирзачўл каналининг қирқинчи километрида қурила бошлаган тўғон неча ўн минг гектарлаб қўриқ ерларни ўзлаштириш имконини беради. Янги гидротехника иншоотида шлюз камерлари, дамбалар комплекси, шунингдек 110 метрлик автомобиль кўприги қурилади.

«Голодностепстрой»га қарашли 33 ва 54-кўчма механизациялашган колонналарнинг меҳнатчилари ҳамда каналдаги энг кучли 447-земснаряд экипажи бу ерда ярим миллион куб метрдан зиёд тупроқ қазиш ишларини бажариши ва тўғонга 6 минг куб метр бетон ётқизиши лозим.

Тўғон қурилишини беш йиллик охиригача битказиш кўзда тутилган.

## Тоғ этаклари туҳфаси

«Ленинизм» богдорчилик совхозининг коммунист Исоқжон Муродов бошлиқ бригадаси жанубий Тянь-Шань этакларидаги боғларнинг ҳар гектаридан 120 центнер анвойи хил олма ҳосили олди. Хўжалик ихтисослаштирилган эдан аввал бу ердаги ҳосил бундан деярли икки ҳисса оз эди. Утган уч йил мобайнида 1600 тонна олма олиниб, бригада боғбонлари беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажардилар.

Совхознинг коммунист Жўрабой Мирзаев бошлиқ боғдорчилик бўлими мавсум бошланғандан бери тоғ этакларида 2200 тоннадан зиёд, йиллик топшириқда белгиланганидан 400 тонна кўп мева териб олди. Бўлим боғбонлари ялпи олма ҳосилини 3 минг тоннага етказишдан иборат янги оширилган мажбурият қабул қилдилар. Кечки меваларни БАМ қурувчиларига, Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳарларига юбориш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

**ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ**

**МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН**

*Ҳамза ва Куйбишев районлари мусобақаси*

# Қолоқларсиз ишлайлик

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1978 йил планларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш бўйича вазифаларни белгилаган Мактубида шундай дейилган: «Тажриба шуни кўрсатяптики, қолоқларсиз ишлаш мумкин экан... Шуниси қувончлики, белгиланган планларни ортиғи билан бажариш учун ҳаракат тобора кенг қулоч ёймоқда. Сафимизда биронта ҳам қолоқ бўлмасин— коллектив меҳнатнинг жанговар шиори мана шу, давримизнинг амри мана шу!»

Ҳамза ва Куйбишев районлари корхоналарида партия ва ҳукуматнинг бу кўрсатмасини жанговар программа сифатида қабул қилишди. Бу ерда ростовликлар ва янгийўлликлардан намуна олиб, қолоқларсиз ишлаш ҳаракати кенг қулоч ёйди.

Районларнинг индустрияси ҳозирги йилнинг ўн ойи мобайнида топшириққа қўшимча қарийб 30,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганликларида, бунинг 3.619 минг сўмлиги қабул қилинган мажбуриятларга қўшимча тайёрланганлигида бу шонли ҳаракатнинг натижаси кўриниб турибди.

Кенг қулоч ёйган социалистик мусобақанинг таъсири планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишида кўриниб турибди. 22 саноат корхонаси коллективи йиллик мажбуриятларини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Жумладан, ёғмой комбинати ўн ой мобайнида 2.819 минг сўмлик маҳсулотни, 4-дон маҳсулотлари комбинати 5.081 минг сўмлик маҳсулотни, 2-дон маҳсулотлари комбинати эса 3.233 минг сўмлик маҳсулотни, синтетик ювиш воситалари заводи 718 минг сўмлик маҳсулотни, «Ташкентқабель» бирлашмаси 2.072 минг сўмлик, лакбўёқ заводи 964 минг сўмлик маҳсулотни планга қўшимча тайёрлади.

Бир қатор саноат корхоналарининг юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларида маълум даражада фан-техника тараққиёти учун, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш учун қурашнинг кучайганлиги ўз аксини топди. Мураббийлик ҳаракати ҳам ўз самарасини берди. Тажрибали ветеранлар янги техникани маҳорат билан ўзлаштириб ва ишлатиб ўз билимлари ва тажрибаларини ёшларга ўргатиш борасида кўп иш қилдилар. Натижада кўпгина коллективлар белгиланган топшириқларни тўла ва ошириб бажаришди. Бунинг натижасида кўпгина корхоналар товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ишлаб чиқариш графигидан 2—3 ҳафта илгарилаб кетиб, беш йилликнинг учинчи йилида план ва социалистик мажбуриятларининг муддатидан илгари бажарилиши учун қулай имкониятлар яратишди. Бу корхоналар орасида электр-монтаж буюмлари, темир-бетон кўприк конструкциялари, вентиляция буюмлари, 3-ун заводлари, мебель ойналар фабрикаси, Ўзбекистон қарлар жамиятининг 3-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси каби коллективлар бор.

Шу билан бирга йилнинг охирида ҳамма корхоналар ҳам юқори маъромда ишладилар, деб бўлмайди. Жумладан, «Главстройиндустрия»нинг 1- экспериментал-механика, трактор, 2-ёғочни қайта ишлаш, экскаватор, Қўйлиқдаги темир-бетон буюмлари заводлари, упа-элик фабрикаси ўз йиллик топшириқни бажарган бўлсалар ҳам, ишлаб чиқариш суръати ва маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик пландагидан анча ортда қолдилар. Жумладан, упа-элик фабрикаси йиллик топшириқни бажариш учун ноябрь-декабрь ойларида 6.143 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариб, реализация қилишлари керак. Бу оз эмас, чунки бу ерда ўртача ойлик план 2,1 миллион сўмни ташкил этади. Қисқаси, корхона қолган икки ой мобайнида умумий йиллик топшириқнинг 23 процента миқдорида маҳсулот тайёрлаши керак.

| 1978 йилнинг январь — октябрь ойлари кўрсаткичлари | Ҳамза районн | Куйбишев районн |
|---|---|---|
| Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда) | 103,6 | 101,8 |
| Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши | 103,6 | 101,6 |
| Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда) | 109,0 | 105,9 |
| Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда) | 102,9 | 101,2 |
| Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда) | 105,9 | 104,5 |
| Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда) | 68,9 | 78,0 |
| Планни бажармаган корхоналар: | | |
| а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида) | — | — |
| б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича | 1 | 1 |
| в) меҳнат унумдорлиги бўйича | 2 | 3 |
| Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процентларда) | 101,6 | 100,4 |
| Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда) | 102,5 | 100,5 |
| Планни бажара олмади: | | |
| — цехлар | 7 | — |
| — участкалар ва бригадалар | 32 | 15 |
| — ишчилар | 3338 | 63 |
| Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь — сентябрь ойлари кўрсаткичлари (процентларда) | 132 | 88 |
| Турар жойни фойдаланишга топшириш, 1978 йилнинг январь — сентябрь ойлари кўрсаткичлари (процентларда) | 92 | 96 |

Асосий буюмлар ишлаб чиқаришда трактор заводи ҳам графикдан ортда қолди. Жумладан, октябрь ойида бу ерда пландаги 2 мингта трактор ўрнига 1800 та трактор тайёрланди. Йиллик планни бажариш учун машинасозлар ноябрь-декабрь ойларида 5415 та трактор беришлари лозим.

6-темир-бетон буюмлари заводида 10 бригада, 1-уйсозлик комбинатида 8 та бригада, 1-ун заводида 1 та бригада, қоғоз фабрикасида 6 бригада топшириқни уддалай олмади. Қолоқликнинг сабаби нимада? Бир қатор корхоналарда бунга моддий-техника таъминотининг ёмонлиги билан бирга, станоклар паркидан яхши фойдаланмаслик, меҳнат намунали ташкил этилмаётганлиги ҳам сабаб бўляпти.

Булар ҳаммаси ишлаб чиқариш суръатининг сусайиб кетишига олиб келяпти. Фақат йилнинг тўққиз ойи мобайнида трактор заводи маҳсулот таннархининг 2,1 миллион сўмликдан кўпроққа, экскаватор заводи эса 140 минг сўмликка, ёғочни қайта ишлаш заводи эса 65 минг сўмликка, 2-темир-бетон буюмлари заводи эса 210 минг сўмликка қимматлашиб кетишига йўл қўйилар.

Асосий вазифа шундан иборатки, ташкилий-техник тадбирлар комплексини жорий этиб, ҳар бир иш жойида, бригадада, ишлаб чиқариш участкасида ўн кунлик ва ойлик топшириқларнинг бажарилишига эришиш лозим. Йил тугаб бораётган ҳозирги пайтда ҳар бир корхонада ишни янада юксак маъромда ташкил этиб, давлат план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларининг ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир районда бажарилишига эришиш лозим.

*Аҳоли турар жойларида*

# ФАЙЗЛИ ҲОВЛИЛАР

Октябрь районидаги «Марказ-13» кварталида болалар билан ишлаш учун 29-ЖЭК томонидан ташкилотчи-педагог Михаил Аблаев тайинланган. Унинг раҳбарлигида бу йилги ёз квартал болалари учун жуда кўнгилли ўтди. Ёз бўйи саккизта бассейн мунтазам ишлаб турди. 19-мактаб коллективи болалар билан ишлашни ўз оталигига олган. Педагоглар, комсомоллар ва актив пионерлар ҳамиша болалар билан таълим-тарбия мавзуида суҳбатлар, ажойиб экскурсиялар, қизиқарли кечалар ўтказиб турадилар.

Ёзда айниқса Политехника институти студентларининг болалар ва ўсмирлар билан олиб борган ишлари алоҳида диққатга сазовор бўлди. Улар бир неча марта экскурсиялар уюштириб, болаларни паркларга, киноларга олиб боришди. «Жасорат», В. И. Ленин ва Табиат музейлари билан танишиш болаларда бой таассурот қолдирди. Студентлар уларга шўх қўшиқлар, қизиқарли ўйинлар ўргатишди.

ЖЭК қошида «Темерюк» клуби ташкил этилган. Клубда болалар, қизлар учун ҳар хил тўгараклар мавжуд. Аҳоли фарзандлари бу ерда ўз вақтларини жуда мазмунли ва қизиқарли ўтказишлари мумкин. Клубдаги «Юлдузча», «Тез топиш», «Тўқиш» тўгаракларига Далиева, Шоумарова, Саҳибоева каби ҳам ишда, ҳам жамоат ишларида илғор аёллар раҳбарлик қилишмоқда.

ЖЭК қошида уюшган ёшлар чарм тўп бўйича шаҳар мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, республика мусобақаларида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди.


29-уй-жойлар д а н фойдаланиш идорасида қишга тайёргарлик ишлари ҳам ўз вақтида намунали ташкил этилди. Тайёргарлик уй-жойлардан фойдаланишнинг техник даражаси бўйича жамоат кўриги натижалари асосида олиб борилди. Ҳар бир уйда уч кишидан иборат махсус комиссия тузилиб, у квартиралардаги камчиликларни бартараф этишга, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш бўйича иш олиб боради. ЖЭКда эса комиссиялар ишини назорат қилувчи штаб тузилган. Штабнинг ҳар ойда икки марта ўтадиган йиғилишида комиссияларнинг ҳисоботлари тингланади.

Кишга тайёргарлик пайтида юздан ортиқ квартиралар янги иситгич батареялар билан таъминланди. Дераза ва ойналар бутунланиб, подъездлар намунали ҳолга келтирилди. Биноларнинг томлари ремонтдан чиқарилди. Шу кунларда болалар майдончасини ремонт қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

— Уйинг тинч бўлса, қиладиган ишинг ҳам баракали бўлади. Шунинг учун биз техник қаровларни доимо ўз вақтида ўтказишга, камчиликларни аниқлаб уни тез бартараф этишга ҳаракат қиламиз, — дейди жамоат кўриги комиссияси фаол аъзоларидан Муборак Юсупова.

29-ЖЭК коллективи кўп йиллардан буён уй-жой ташкилотлари ўртасидаги мусобақаларда олдинги ўринни эгаллаб келмоқда. Бу уй-жойлардан фойдаланиш идорасининг ибратли ишлари шаҳримиздаги кўпчилик ЖЭК коллективларига ўрнак бўлса арзийди.

**М. ХОЛОВА.**



«Компрессор» заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили план-топшириқларини мудда тидан илгари адо этиш учун тобора социалистик мусобақани қизитиб бормоқда. Завод ишчилари ўртасида йиллик шахсий планларини Октябрь байрами арафасида адо этганлар ҳам жуда кўплаб топилади. Мана бу фотолавҳада сиз корхонанинг пешқадам ишчиларидан механика цехи йиғувчи слесарлари Александр Бережной ва Николай Иванов ларни кўриб турибсиз. Бу ҳар иккала ишлаб чиқариш илғори кунлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бу моҳир слесарлар томонидан бажарилаётган барча ишлар аъло сифатлилиги билан ҳам фарқ қилиб туради.

М. Нуриддинов фотоси.

# ҚЎРИҚ УЧУН КАДРЛАР

«Голодностепстрой» территориал бошқармасининг I-ўқув комбинати ўн йил мобайнида 15 минг мутахассис тайёрлади. Бу комбинат Мирзачўл учун оммавий касбдаги ишчилар тайёрлайдиган асосий базадир. Шу комбинатда бир қанча пахта териш комбайнларининг механик ҳайдовчилари, тракторчилар, экскаваторчилар, шоферлар турли хил кран машинистлари ўқишни битириб чиқдилар. Улар ҳозир Сирдарё областидаги хўжаликларда меҳнат қилмоқдалар.

## Сайловлар арафасида

БРЮССЕЛЬ. Бельгия қироли Бодуэннинг декретига мувофиқ парламент тарқатиб юборилди ва 17 декабрга навбатдан ташқари умумий сайлов белгиланди.

Янги парламент конституцияга киритиладиган ислоҳотлар лойиҳасини муҳокама қилади. Бу ислоҳот, жумладан учта автоном регионни— Валлония, Фландрия ва катта Брюсселни ташкил этишни назарда тутади. Бельгиядаги буржуа партиялар шу йўл билан мамлакатнинг энг катта жамоалари: Валлония билан Фландрия ўртасидаги кескин ижтимоий иқтисодий зиддиятларни бартараф этишга уринмоқдалар. Бу зиддиятлар мамлакатда кўп вақтлардан бери сиёсий беқарорликни келтириб чиқармоқда ва ҳукуматнинг тез-тез ўзгариб туришига сабаб бўлмоқда.

Бельгия бош министри П. Ванден Буйнантс навбатдан ташқари сайлов ўтказишга қарор қилди. У бир қанча иқтисодий, ижтимоий ва регионал муаммолар туфайли ички ҳукмрон коалиция ўртасида мавжуд ихтилофлар натижасида келиб чиққан, узоқ давом этган сиёсий тангликдан қийин кўчиш даври ҳукуматига бошчилик қилмоқда.

# Қиш машаққатли бўлади

НЬЮ-ЙОРК. Яқинлашиб келаётган қиш миллион-миллион америкаликларга бирон бир яхшилик ваъда қилмаяпти. Совуқ бошланиши арафасида уй-жой биноларини иситиш учун ёқиладиган паст нав бензинининг нархи жуда кўтарилиб кетди. Мамлакатда бу маҳсулотнинг нархи ўрта ҳисобда 8 процент ошди.

Маҳаллий матбуот бу қарорни кейинги тўрт йил давомида ёқилғининг нархи энг кўп оширилиши, деб шарҳлади. Совуқ кучайган пайтда аҳвол жуда аянчли бўлиши мумкин, чунки мутахассислар ёқилғининг нархи янада оширилиши мумкинлигини олдиндан айтиб қўймоқдалар.

Фойдани камайтирмаслик тўғрисида гап борганда хусусий саводогарлар истеъмолчиларга раҳм-шафқат қилишни ўйламайдилар. Бу сафар улар уй-жойларни иситиш учун нефть етказиб беришни қисқартириб, гўё аварияларда ва ёнғинлар натижасида бир қанча нефтни қайта ишлаш заводлари ишдан чиқани сабабли шундай қилинди, деб изоҳ бердилар.

Америка нефть институтининг маълумотларига қараганда АҚШ саноати иситиш учун ишлатиладиган нефть қазиб олишни ўтган йилдагидан 15 процент камайтирган.

Катта бизнес корчалонлари эса айни шу ҳолатдан фойдаланиб, қиш фаслида миллион-миллион америкаликлар учун нефтдек энг зарур маҳсулот нархини жуда ошириб юбордилар.



Микронезия Тинч океанининг ғарбий қисмида жойлашган 1500 кичик ороллардан ташкил топгандир. Аҳолиси 180 минг киши. 1947 йилдан бери Микронезия Америка Қўшма Штатлари территориясига қарам бўлиб келди. Бироқ шунга қарамай, орол аҳолиси ўз мустақиллигига эришиш учун бир неча бор катта талаблар билан чиқди.

**СУРАТДА:** Микронезия болалари.

ТАСС фотохроникаси.

# КЕСКИН ПРОБЛЕМА

РИМ. Италия парламенти депутатлар палатаси бугун Кампания жанубий областининг маъмурий маркази Неаполдаги жуда оғир аҳволни муҳокама қилишга киришди. Парламент аъзолари кеча Калабрия области аҳолисининг ғоят мушкул аҳволи билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилган эдилар.

Жанубий районларнинг иқтисодий қолоқлиги Италиянинг энг кескин проблемаларидан биридир. Касаба союзларининг маълумотларига қараганда, Италиядаги қарийб икки миллион ишсизларнинг 60 процента мамлакатнинг жанубий қисмида яшайди. Бу ерда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад мамлакатнинг индустриал шимолий қисмидагига нисбатан икки баравар кам. Кейинги йигирма йил мобайнидагина 3 миллионга яқин киши иш қидириб, жанубий районлардан чиқиб кетди. Ҳукмрон доиралар Италиянинг жанубий қисмини ҳамиша арзон иш кучлари манбаи деб ҳисоблаб келган эдилар.

Жанубдаги йирик шаҳарларда аҳвол жуда мушкуллашиб кетди. Неаполда ва Кампания областида 400 мингга яқин ишсиз расмий рўйхатга олинган. Саноат корхоналари хонавайрон бўлмоқда, уй-жой танглиги кескин тус олмоқда. Бундан уч йил муқаддам Неаполь коммунистларнинг иштироки билан сўл жунта тузилган эди. Бу жунта шаҳар ҳўжалигини соғломлаштириш, порахўрликка қарши курашмоқ учун кўп иш қилди, муниципалитетда тартиб ўрнатди. Аммо, демократик партиялар Неаполь ва жанубдаги бошқа проблемаларга доир проблемалар (бу шаҳарларда христиан демократлар кейинги 30 йил мобайнида бемалол хўжайинлик қилиб келдилар) шу қадар мураккаблашдики, бу проблемаларни марказий маъмурларнинг актив иштироки билангина ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблаб келдилар.

Ҳукуматнинг вакиллари парламентда сўзлаган нутқларида жанубий районларга доир проблемаларни ҳал этиш учун қандай чоралар кўриш ниятидасиз, деб берилган саволга аниқ-равшан жавоб бермадилар.

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндиянинг Настола шаҳридаги «Аскоупо» фирмаси пластмасса буюмлари ишлаб чиқарувчи фабрикасининг салкам 700 ишчиси ўз ўртоқларининг ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб, бир кунлик забастовка ўтказдилар.

Ҳозирги вақтда Финляндияда ишсизлар сони 150 минг кишидан ошиб кетди.

○

НЬЮ-ЙОРК. Америкалик негрлардан 23 процентдан кўпи ишсиз. Бу ҳақда прогрессив негрлар ташкилоти миллий шаҳар иттифоқи хабар берди.

Ташкилотнинг маълумотларига кўра, негр ёшлари ўртасида ишсизлик айниқса кўп, кейинги вақтларда ишсизлар сони 61 процентга етди.


**ЖАҲОН ОЙНАСИ**

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

20 НОЯБРЬ, 1978 й.

# АЛЛОМА ШОИР

## МАҚСУД ШАЙХЗОДА ТУҒИЛГАН КУНГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ



## ҲАМКАСБЛАРНИНГ ФИКРЛАРИДАН

...Шайхзода шеърларининг яна бир фазилати — унинг партия ва ҳукумат томонидан халқ олдига қўйилган вазифаларга шоирона бир садо билан жавоб беришлигидадир. Унинг кейинги йилларда ёзган шеърлари, мақолалари тематикасини кўздан кечирсак, курашимизнинг актуал масалалари шоирнинг диққат марказида турганини кўрамиз.

Шароф РАШИДОВ.

* * *

Мақсуд Шайхзода — совет Ўзбекистонининг энг ақлли, энг юксак маданиятли аллома шоири. Унинг теран тафаккур билан йўғрилган шеърияти ўтмишимиз ва шу кунларимизнинг бадиий поэтик тарихи унинг нодир истеъдоди, ақлу заковатидан яралмоқда бўлган ажойиб асарлар ҳалқимиз маънавий бисотидаги бебаҳо жавоҳирлардир.

ОЙБЕК.

* * *

Пурвиқор ўзбек адабиётининг буюк намоёндалари Ғафур Ғулом Ойбек каби улуғ сўз санъаткорлари сирасида ижод қилган Мақсуд Шайхзода зуваласи ашъор оташин билан йўғрилган асл, бебаҳо, нодир қалам соҳиби бўлмиш шоир эди.

Мирзо ИБРОҲИМ

Озарбайжон халқ ёзувчиси.

М. ШАЙХЗОДА

## ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИДАН ТАРЖИМАЛАР

Замон эмдан маҳорат билан
Қилур тўйлар сеҳрини бунёд.
Ва айни пайт гирдобда бизсан
Олиб кетар шодликларни бот.

Тутқич бермас оқимдир муҳлат,
Ёзни бошлар қишки зулматга.
Дарахтда бор на барг, на шарбат,
Ўлик тупроқ оппоқ хилъатда.

Фъқат гулнинг муаттар ҳиди
Шиша ичра қоноқ бир тутқун.
Қиш қировда эслатур энди,
Ерда бир чоғ ёзнинг бўлганин.

Йўқотса да жамолин гуллар,
Ҳуси жомин асрайди улар.

* * *

Ўзликкин йўқотма ҳозирча бардам,
Ҳозирча тирмиксан ўзлик ўзингдан.
Шу ўзлик яшасин сен кўз юмган ҳам,
Узингга ўхшаган бирор кўзингда.

Азалда табиат кўзлаб олисни
Сенга кўрк бахш этиб қисқа муддатга
Бу кўркнинг, сендан сўнг ҳақдор ворисининг,
Махрига кўчувни ёзмишдир хатга.

Ободдир болалик файзли хонадон,
У қишнинг қаҳридан тортмагай кулфат
Унда на бўм-бўшлик ва на қаҳратон.
На ўлим ҳукм этар, на нурсиз зулмат

Сен йўққа чиққач ҳамиша, ҳамрўз
Янграсин: «Дадам бор эди!»— деган сўз.

* * *

Менга ўрнак бўлмас қасидачилар,
Улар-ку олиҳта маъбудаларга
Ерни, уммонларни, кўкни баробар,
Бағишлаб қўйдилар у ҳудоларга.

Улар байтларни безаш қасдида
Кўкин, юлдузларин, гуллар чамбарин
Не бўлса, еру сув усти, остида
Айтишиб шеърда мақтасин барин.

Ростдир муҳаббатим ва дилим сўзи,
Дейман: дилбаримда бор ҳусну чирой.
Одамзод фарзанди, дунёнинг қизи.
У на қуёш эрур ва на ёркин ой.

Мадҳия ёзмасман севгимга атаб,
Мен унн ҳеч кимга сотмайман мақтаб.

* * *

Ким қулай соатда туғилган экан,
Шуҳрату давлатдан баланд димоғи.
Менга илтифотин толе кам қилган,
Менга муҳаббатдир бахтлар булоғи.

Шаҳзода маҳрами, бекининг улфати,
Валламат лутфидан шароб ичади,
Қачонким, офтоб ботиб кетади,
Кунгабоқарнинг ҳам зари ўчади.

Зафарлар эркаси машҳур саркарда,
Охири урушда енгилса бир кун.
Бутун ҳизматлари пуч бўлар бирдан,
Унинг шум қисмати сокитлик, сургун.

Менинг унвонимга йўқ завол куни:
Севдиму, севаман, севарлар мени.

РУБОИЙ

Шеърият диёрин шоирларимиз,
Ҳар уй, ҳар кўнгилга байтлар бўлсин ёр!
Элга дастёр бўлса шеърларимиз,
Демакки, умримиз ўтмайди бекор!

# Ажойиб инсон

Мақсуд Шайхзода. Бу ном зикр этилганда биз аввало ҳақиқий инсон ва одамшаванда, ўз бахти ва билимини ўзи севган ва уни севадиган одамлар билан тенг баҳам кўраоладиган одамни, ҳофизаси жуда кенг мутафаккирни ва туғма шоирни, ширинсухан педагог ва устозни кўз олдимизга келтирамиз.

Дарҳақиқат, у шундай эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Мен 70 ёшлик муборак тўйи нишонланаётган кунда ўзбек педагог-Шайхзодани, олим-Шайхзодани, шоир-Шайхзодани эслайман, ҳамма учун баробар, камсуқум бизнинг Шайхзодамизни эслайман. Кўплаб шогирдлари қатори мен ҳам нимагаки эришган бўлсам, барчасида унинг ҳиссаси борлигини мамнуният билан эслайман.

Мен Шайхзодани 1940 йилдан— студентлик йилларимдан бери биламан. У бизга Тошкент давлат педагогика институтида ўзбек классик адабиётидан дарс берар эди. Биз ўқиган йиллар Улуғ Ватан уруши кетаётган оғир йиллар эди. Синфхоналар совуқ, конспект ёзишга қўлларимиз қовушмас эди. Лекин синфда Шайхзода ҳозир бўлганда, у ўзига хос ширин тили билан сокин дарс бошлаганда ўзимизда қандайдир илиқлик сезар, дилларимизга чўккан урушнинг оғир рутубати кўтарилгандай бўлар эди ва унинг пурмазмун лекцияларини сеҳрига берилар эдик. Мақсуд Шайхзода моҳир педагог эди. Унинг бирор адабий муҳит ёки айрим ёзувчи фаолияти ҳақидаги сабоқлари ниҳоятда тўлиқ ва атрофлича бўларди. Тарихий манбалар ва ёзувчи асарларидан келтирилган жуда бой фактларга асосланган дарсларда педагог-Шайхзода ва олим-Шайхзодани бир йўла кўрардик. Шуни ҳам айтиб қўяйки, бу пайтларда шоир-Шайхзода ҳам совет халқининг мутлақо ғалабасига ишонч билан сугорилган ажойиб шеърлари билан биз — ўқувчиларини мамнун қилган вақтларини яхши эслайман. Биз— студентлар унинг «Капитан Гастелло», «Қуръон нечун?» каби шеърларининг биринчи эшитувчилари бўлганмиз, ўша йиллари.

Бахтли тасодиф туфайли мен Шайхзода сабоқларини икки дафъа, аввал, ўша педагогика институтининг икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш бўлимида, кейинчалик эса, тўрт йиллик бўлимила эшитганман.

Шуни мамнуният билан қайд этишим мумкинки, Шайхзода сабоқларидан мен ва курсдошларим классик адабиётимизни, айниқса, кейинчалик ўзи «Ғазал мулкининг султони» деб атаган буюк Алишер Навоий ижодини ундан биринчи маротаба ўрганган эдик, ўрганганда ҳам тўлалиги, муфассаллиги билан ўрганган эдик.

Эсимда, устоз Навоийдан сабоқ берганда уни фақат программада кўрсатилган «Ҳазоинул маоний» ва «Ҳамса» асарларининггина эмас, балки дарс доирасига унинг бошқа асарларини «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон», «Лисонут-тайр», «Муҳокаматул—луғатайн», «Маҳбубул-қулуб» каби жаҳон маданиятига катта ҳисса бўлиб қўшилган асарларини ҳам тортар эди ва бу билан Навоийнинг мукаммал ижодий портретини яратишга эришар эди. Шайхзода сабоқларининг яна бир фазилати шунда эдики, у шеърий санъатларни жуда яхши билар ва улар ҳақида ўрни билан тушунтиришлар олиб борар эди.

Шайхзодани менинг ва дўстим Пўлат Мўминнинг шеър ва илмий ишларга рағбатлантирган биринчи устозимиз десам тўғри бўлади. Устоз бизнинг биринчи шеърларимизни 1944 йили таҳрир этиб, «Армуғон» тўпламида нашр эттирган эди.

Мен Шайхзода билан 25 йилдан ортиқроқ мулоқотда бўлдим. Бу даврда уни Ленин томларини мутолаа қилаётган вақтида, докладлар ва лекциялар ўқиётган вақтида, ёшлар асарларини таҳрир қилаётган вақтида, илмий асар ва шеърлар ёзаётган вақтларида кўрганман. Ҳатто «Тошкентнома»нинг ёзилиш жараёнини охирги нуқтасигача кузатганман. Ўшанда асар учун зарурий воситаларни қидиришда, мисраларни ўқувчига етувчан бўлишини таъминлашда шоирнинг қандай «сўз азоби» тортганини ҳис этганман ва бу ажойиб достоннинг биринчи эшитувчиси ҳам бўлганман.

Мен Шайхзода билан Тошкент шаҳар Ижроия Комитети қошидаги топонимия комиссияси йиғилишларида ҳам учрашар эдик. Бу комиссияга шоирлардан Миртемир, Асқад Мухтор билан бирга Шайхзода ҳам жалб қилинган эди. Шаҳримиздаги корхоналар, кўчалар, ошхона пештоқларидаги чиройли номларнинг кўпи ноэик таъб Шайхзода тавсияси билан топонимик комиссия томонидан қўйилган бўлиб, шаҳар ободончилигида ҳам унинг улуши борлигини кўрамиз.

Мақсуд Шайхзода серқирра ижод соҳиби экани маълум. Ундан катта адабий мерос қолди. Бу мерос спичиклаб ўрганилмоги керак. Бу ишни албатта етук ўзбек адабиётшунослари амалга оширадилар. Шайхзоданинг ўзбек совет адабиётида тутган салмоқли ўрнини, унинг ўзига хос бадиятини янада каттароқ илмий-тадқиқот ишларида белгилайдилар.

Лекин мен шоир Шайхзоданинг бир мухлиси сифатида унинг ижоди ҳақида қўйидагиларни айтишга ўзимни бурчли ҳисоблайман.

Мақсуд Шайхзода Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Яшинлар билан бирга ўзбек совет адабиётининг мустаҳкам пойдеворини қурган ўзбек совет ёзувчиларидан бири эди.

У халқчиллик, партиявийлик, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳи билан йўғрилган алангали ижодини, фаолиятини коммунистик партия ишига, халқ ҳизматига беками кўст бағишлади. Юқори гражданлик ва снёсий лиризм, ички ишончи ва тасвирийлик, учқур романтизм ва ўткир реализм, шахсий ва умумий мақсаднинг узвий бирлиги, Ленин, партия, халқ ҳақидаги теран фикрлар— Шайхзодани такрорланмас ижод соҳибига айлантирди ва унинг ижодий қиёфасини белгилади.

Ёзувчининг бу ижодий қиёфаси унинг нафосатни идрок этишида, устози Владимир Маяковский традицияларини ўзбек адабиётида давом эттиришида яна тўлароқ ва яқолроқ кўринади. Унинг ҳар бир шеъри Октябрни, инқилоб халқини шарафлашга бағишланган бўлиб, унинг ижтимоий ва ғоявий-эстетик концепцияси— революция— меҳнаткаш халқ—яратувчи меҳнат эканини кўрсатади ва бунга унинг беназир ўзига хос, такрорланмас, серқирра ижоди ва у қолдирган улкан бадиий мерос гувоҳлик бера олади.

Хуллас, социалистик даврда озод қилинган меҳнат ва одамни бадиийлаштириш, ўз ижодини революциянинг буюк мақсадига бўйсундириш, коммунизм қурувчиси бўлган авлодни тарбиялаш, янги социалистик ва коммунистик ҳаётни қуриш ва уни янада мустаҳкамлаш учун ижодини ва барча иқтидорини сафарбар қилиш — Мақсуд Шайхзоданн давримизнинг етук, забардаст шоири даражасига кўтарди.

Бугун биз социалистик адабиётимиз тарихига назар ташласак, улкан совет адабиётига ўз ҳиссасини қўшганлар қаторида оташнафас Шайхзодамизни ҳам бўйирос кўрамиз ва унга ҳамиша миннатдор халқнинг ҳурматини, эъзозини яна бир бор назар этамиз.

**Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.**

# Ёниқ бадиий тафаккур

Шу Ватандан шўъла-нур олган
Мисра учун, айтчи: «баҳона».

Дарҳақиқат, «Шу Ватандан шўъла-нур олган» шоирнинг истеъдоди ва қалами, то ўзининг сўнгги дамига қадар эл ва юрт хизматида бўлди.

Мақсуд Шайхзода 30-йилларда социалистик қурилишнинг завқиёб тароналарини тизган бўлса, Улуғ Ватан урушининг оловли дамларида ўз сафдошлари билан ҳамжиҳатликда қаламни қиличга ҳамоҳанг қилиб, жанговар характер касб этган шеър, баллада ва достонлар, публицистик асарлар яратди. Унинг поэзиясидаги тематик доирани уруш даврининг энг муҳим вазифалари, актуал муаммолари ташкил этди. «Қураш нечун», «Жанг ва қўшиқ», «Кўнгил дейдики...» каби тўпламларига кирган асарларида етакчи объект — янги социалистик тузум заминида шаклланиб, вояга етган янги инсонлар бўлиб қолди. Совет кишиларининг Ватан уруши йилларининг ғоявий-эстетик концепциясини ташкил этди. Шоирнинг Улуғ Ватан уруши даври ижоди, Ҳа, ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди! Мақсуд Шайхзода урушдан кейин тинч қурилиш йилларида янада фаол ижодий иш билан давр адабиётимизга бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг «Шуъла», «Юрт шеърлари», «Замон торлари», «Олқишларим», «Чорак аср девони», «Улғай, ёш авлод», «Йиллар ва йўллар», «Шеърлар», «Хиёбон» китобларига жамланган шеърлари ва «Тошкентнома» лиро-эпик поэмасида замонамизнинг энг муҳим муаммолари инқилобий жўшқинлик, принципиал партиявийлик, коммунистик ғоявийлик ва юксак шуур билан куйланади. Бу даврларда ҳам шоир шеъриятига қон, нур ва жўшқин ҳарорат, куч ва қудрат бахш этган марказий ва азамат ғоя— Ленин ва Коммунистик партия-га, юртга бўлган битмас-туганмас муҳаббат туйғулари бўлиб қолди.

Шоир Ленин ҳақидаги қатор шеърларида буюк инсоннинг улуғвор башарий фазилатларининг янгидан-янги жиҳатларини бадиий юксак, ишонарли ва самимий шеърий тил билан сўзлайди. Ленин ва Октябрь — бир бутун тушунча («Октябрь қўшиғи»); Ленининг улуғвор ғоялари — шоирлар шеъри учун битмас-туганмас илҳом манбаи («Ҳайкаллар»); Ленин ғоялари —башар умри қадар абадий барҳаёт («Ленининнинг умрига қўшилди бир йил...) Ленин асарлари — коммунизм ижодкорлари учун нурафшон йўлланма ва оқилона қўлланма («Ленининг кутубхонасидир»). Ленин ғояларининг абадий барҳаётлигининг юксак бадиий тасвир ва таърифини баён қилишда «Келажакнинг саволларига жавоб» шеърида ўзига хос оригинал услуб қўллашга эришди.

... Аммо...
аммо —
Ўшанда ҳам зурриётлар
Давримизнинг жозибасига
Ўгирилиб, суқ билан қарар:
... Енгиллатиб биз уларнинг
сўроқларин,
Тўлдирайлик ўзимиз
Анкетанинг варақларин.
— Қачон яшаб ўтдингиз!
— Йигирманчи асрда.
— Юртингиз, уй
адресингиз!
— СССР деган ерда.
— Сиёсий қарашларингиз!
— Ленинизм деб билинг.
— Эргашган устозингиз!
— Ленин!
— Ҳақингиз, овозингиз!
— Ленин!
— Ўқиган дарсхонангиз!
— Ленин...

Ленин ва Ленин асри ҳақида келажак авлодларга этиладжак дунё-дунё мазмунни сингдирган қуйма мутафаккирона мисралар, шоир ҳаётининг жиловсиз парвози эмас, балки ҳар бири реал тарихий ҳақиқат ўти ва сўнмас ҳаётийлик нафаси билан йўғрилган ва чинакам бадиий касб эта олган ўлмас лирик обидадир.

Мақсуд Шайхзода ўзининг «Мирзо Улуғбек» шеърий фожиаси ва «Улуғбек юлдузи» киноно сценарийсида улуғ аждодимизнинг ўлмас ва нуроний образини яратиб, ўзбек драматургиясининг олтин саҳифаларидан яна бирини ажиб маҳорат билан битди.

Хулласи калом, Мақсуд Шайхзода шоир, драматург, олим ва публицист сифатида жуда бой ва хилма-хил мерос қолдирган, бу хазина обидаларидан неча-неча авлодлар баҳраманд бўлиши шубҳасиздир. Чунки, бадиий тафаккур мулкининг султонлари асло қаримайди, ўлмайди. Улар ўз бадиий сўз санъати билан абадий барҳаёт.

**Муҳсин ЗОКИРОВ,**
**филология фанлари кандидати, шоир адабий меросининг масъул котиби.**

М. ШАЙХЗОДА

# ШАҲАРЛИК БИРОДАР

Шаҳарлик биродар, сира ҳормагин
Далачи дўстларга сен йўлдош!
Дилинг-ла, илминг-ла, қўлинг-ла
бугун —
Колхозчи қўлларга сен йўлдош!
Қўлинг-ла қўллайсан
эл маъракасин.
Пахтага ўзинг ҳам жавобгар...
Чунки, шу пахтазор ўлкасин —
Фарзанди эрурмиз, ҳамшаҳар!
Қўлинг-ла имзони қўйсан сен ҳам
Ҳисобот кунида рапортга,
Қўлинг-ла келтиргин хазина
Асраган ва туққан шу юртга!
Ҳар соат ғанимат,
ҳар лаҳза азиз.
Емгир ҳам, неча ҳам гов бўлмас,
Офатлар ишналин енгиб енгамиз.
Фикримиз, зикримиз ҳар нафас —
Пахтанинг ҳосили,
Ғалаба манзили!

Зафарга етказсин йўлларинг!
Бор бўлсин, соғ бўлсин
қўлларинг!
Унг қўлга дастёр чап қўлинг,
Ҳар икков қўлингга қўмондон
Идрокинг, виждонинг ва ақлинг!
Партия зеҳнидан нур олган
виждон
Сени тинчитмасин то маррагача.
Йиғайлик юртимиз ғазнасин —
То сўнгги граммга ва заррагача
Шаҳарлик биродар,
гуллаб, яшнасин,
Кўнгиллар бирлиги, биродарлиги!
Кўнгиллар бирлиги бўларкан
қонм —
Яшайди доим
Мард қўллар бирлиги
биродарлиги...

9 декабрь, 1960 йил.



Мақсуд Шайхзода ёш ўқитувчилар даврасида.

Р. Альбеков фотолари.

## ИЛМИЙ СЕССИЯ

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида Шайхзода туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди. Анжуманда институт директори филология фанлари доктори М. Қўшжонов шоир ижоди ҳақида, унинг ўзбек совет адабиёти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапирди.

Илмий сессияда филология фанлари докторлари Х. Ёқубов, С. Мамажонов, Х. Абдусаматов, М. Юсуповлар шоир ижодининг турли қирралари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

## БИЛДИРИШ

Шу йил 22 ноябрь соат 17 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг Сиёсий маориф уйида халқаро темада ўзбек тилида лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш курсининг навбатдаги йиғилиши бўлади.

Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлимининг лектори, тарих фанлари кандидати доцент Э. К. Ҳайитбоев «Хозирги халқаро аҳволнинг баъзи актуал масалалари тўғрисида» лекция ўқийди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

20 НОЯБРЬ, 1978 й.

# ЁРҚИН САТРЛАР

Ўзбек совет адабиётининг йирик намоёндаларидан бири, шоир ва олим, драматург ва публицист, устоз Мақсуд Шайхзоданинг исмини ва унинг севимли асарларини ўқимаган ёхуд билмаган китобхон бўлмаса керак. Негаки, унинг муборак исми ва ажойиб асарлари 30-йиллардан бошлабоқ кенг китобхонлар оммасига маълум ва манзур бўлиб келмоқда. Шайхзода ижодининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у қандай жанрда қалам тебратмасин, давр билан ҳамнафас. У ёзган асарлар ўзининг воқеабандлиги билан, ҳозиржавоблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мақсуд Шайхзода 30-йиллар адабиётида ўша даврнинг долзарб масалаларини кўтариб чиқса, 40-йилларга келиб унинг шеъриятидаги жанговар руҳ янада юксак погонага кўтарилди. Шайхзода сермаҳсул ижодкор эди. Ўзининг 35 йиллик ижодий фаолиятн давомида 25 дан зиёд шеърий тўпламлар нашр эттирди. Шеърият бўстонидаги ажойиб шеърлари ва ўнлаб достонлари жумласига кирган «Ленинном», «Тошкентнома», «Искандар Зулқарнайн», «Ўн бир лар», «Чироғ», «Овчи йиллари ёзилган «Капитан Гастелло», «Қураш нечун?» «Йўқ, мен ўлган эмасман» циклидаги асарлари бугунги кунда поэзиямизнинг қимматли дурдонасига айланди. Хусусан, булар ичида «Йўқ, мен ўлган эмасман» номли шеъри ўзининг жозибалиги, тили ва услубининг соддалиги билан алоҳида ажралиб туради. Шеър уруш қаҳрамони тилидан ёзилган бўлиб ўқувчи қалбини ўзига ром этади:

Йўқ, мен ўлган
эмасман! Йўқ, мен
ўлган эмасман!
Умрим буюк пиёла,
ҳали тўлган эмасман.
Мен яшайман
боламда, экиб қўйган
даламда.
Дами синмас
қиличда, учи учмас
қаламда.
Агар боғлар
гулласа, демак боғбон
ўлмапти.
Агар чироғ порласа,
ҳа... чароғбон
ўлмапти.
Ширилласа агар
сув, демак, боғбон
ўлмапти,
Агар бўлса
китобхон, демак китоб
ўлмапти.

Бу шеърий мисралар ўзининг ғоявий мазмуни, жўшқинлиги билан давр руҳига айнан мос келади. Ватан уруши қаҳрамонларининг номи ва ботирлиги ҳеч вақт ва ҳеч қачон унутилмайди. Улар жисман халок бўлсаларда, аммо уларнинг қаҳрамонлиги абадий қолади, келажак авлод қалбида абадий яшайдилар.

Мақсуд Шайхзода ижодида ҳозирги замоннинг ҳаётий воқеаларига ҳам катта ўрин берилган. Бу — тинчлик темасидир. Тинчлик, совуқ уришнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш ҳозирги даврнинг олий мақсади. Шоир тинчлик темасида бир қатор шеърларида ана шундай масалаларни кўтариб чиқади. Унинг сўнгги йилларда ёзган «Қилич— шамшир эриб йўқолсин», «Менинг оғам аскардир», «Сен—ер юзининг шўх табассуми» шеърларида тинчлик темасига такрор-такрор мурожаат қилади:

Олам бўйлаб
тарқалди шоир:
Қиличларини қайта
чўкичлаб.
Биз уларни оловда
ушлаб:
Омоч-ўроқ қилайлик
тайёр!

Шайхзода айни чоғда бир қатор шоирдлар тайёрлаган, уларнинг аксарияти бугунги куннинг йирик адабиётшуносларн ҳисобланади. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Маллаев, педагогика фанлари доктори, профессор А. Бобохонов, доцент С. Иброҳимовалар шоир ва олим Мақсуд Шайхзоданинг биринчи шогирдларидандир.

Улар ўз устозлари ишини давом эттириб адабиётшунослик ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

**Бухор МАМЕДОВ,**
**аспирант.**

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг
ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР 31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун
ҚЎШИМЧА

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 15, 16, 17 ЕШДАГИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қуйидаги мутахассисликлар бўйича темир йўл транспортида ишлаш учун кадрлар тайёрлаб чиқаради. 10-синф маълумоти билан — тепловоз машинистининг ёрдамчиси — ўқиш муддати—1.5 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 30 сўм стипендия билан таъминланадилар. 8-синф маълумоти билан — электровоз ремонти бўйича слесарь, қирқиш йўли билан металларга совуқ ишлов берувчи токарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь-механиклар, электр газпайвандчилар, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарлар, тепловоз электр қисми ремонти слесарлари, тепловоз машинисти ёрдамчилари — ўқиш муддати — 3 йил.

**Ўқишни 3 йил муддат билан тугаллаган ўқувчиларга ўрта махсус таълими ҳақида диплом берилади.**

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТАМОМЛАГАНЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛАДИ.

**Ўқиш даври меҳнат стажига кирадн.**

БИЛИМ ЮРТИГА КИРГАНЛАР БЕПУЛ ОВҚАТ, КИЙИМ-БОШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

**Ўқишни битирганлар темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан, Совет Иттифоқининг белгилаган бурчагига бепул темир йўл билети олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.**

**Ўқишга кириш учун қуйидагиларнинг бўлиши лозим:** паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжатлар (асли), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, медицина варақаси ёки медицина справкаси (286-форма), ариза, автобиография, 8 та фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Билим юртининг адреси: Тошкент—71, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 26, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати).

МАРКАЗИЙ ЮБИЛЕЙ СПОРТ САРАЙИДА

**25, 26 ноябрь** соат 14.00 да **СССР чемпионати «А» классининг 1 группаси** бўйича «ЛАТВИЯС БЕРЗС» (Рига) — «БИНОКОР» (Тошкент) **командалари** ўртасида

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

**Билетлар «Юбилей» спорт** залн кассасида сотилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

ЕШЛАРНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН

**пуллик курсларга**

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР МАТЕМАТИКА, ГЕОГРАФИЯ, ТАРИХ, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ҲАФТАНИНГ ЧОРШАНБА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Курсларга ўрта маълумотлилар ҳамда 10-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, иш жойидан характеристика ва 2 та фотосурат.

**Машғулотлар 23 ноябрь ва 1 январдан бошланади.**

Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй, 1—30-хона.

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ҚЎШИМЧА

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти қуйидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрлайди:**

РАДИОАППАРАТУРАЛАР ВА ПРИБОРЛАР МОНТАЖЧИСИ ВА РЕГУЛИРОВКАЧИСИ, ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ ПРИБОРЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАР ИШЛОВЧИСИ, ВАКУУМ-ЧАНГЛАТГИЧЛИ ПРОЦЕССЛАР ОПЕРАТОРИ, ГАЛЬВАНО-ТЕХНИК.

**Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофида яшовчи, 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.**

Ўқиш муддати — 8-синф маълумоти билан — 1—2 йил, 10-синф маълумоти билан 1 йил.

Ўқишга қабул қилинган ўрта маълумотли ёшлар 30 сўмдан 40 сўмгача стипендия билан, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси мобайнида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари зарур: ариза, автобиография, маълумоти тўғрисида ва туғилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, медицина справкаси (286-форма), ота-онасининг иш жойидан ва турар жойидан справкалар, 6 та фотосурат (4х6 см.).

**Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.**

Қабул комиссияси якшанбадан ташқари ҳар куни 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Адрес: 700005, Тошкент шаҳар, Весна кўчаси, 17-уй (1.5-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси, 29-уй, (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси).

«ТАШЖИЛПРОЕКТ» ИНСТИТУТИГА

қурувчи-инженерлар ва техниклар, капитал ремонт бўйича сметачи-инженерлар ва техниклар, автоматчи-инженерлар

КЕРАК

**«Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трестига қарашли**

ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН 40-БОШ ПУДРАТ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИГА

бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бош механиги, прораб ва мастер вазифаларига тажрибали қурувчи - инженерлар; электрпайвандчилар, монтажчилар, бетончилар

КЕРАК

Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади, оилалиларга эса навбати билан квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, марказий пункти ҳамда Тошкент шаҳар район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«ЕШЛИК»
МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



**БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЕКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

**МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЕКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЕЗЛАР БЕРИЛАДИ.**

ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.





ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ
**4-ФИРМА МАГАЗИНИ**
21—25 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
**эркаклар пойафзали**
САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ



**Эркакларнинг куз ва қиш мавсумларига мўлжалланган пойафзаллари савдо-кўргазмаси Ўзбекистон енгил саноат корхоналари билан биргаликда ўтказилади.** Унда Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси, Қўқон ва Фарғона пойафзал фабрикаларининг энг яхши маҳсулотлари қўйилган.

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси республика аҳолиси учун қулай, пишиқ ва нархи арзон пойафзал чиқарган.

**Бирлашма мазкур савдо кўргазмасига эркаклар пойафзалининг 15 хил моделини таклиф қилган. Булар орасида табиий ва сунъий материаллардан дид билан тайёрланган БОТИНКАЛАР, ПОЛУ БОТИНКАЛАР, УИДА КИЙИЛАДИГАН ТУФЛИЛАР бор. Уларнинг ташқи кўриниши чиройли, моделли туфлилардан қолишмайди. Нархи 8 сўм дан 18 сўм 60 тийингача.**

ХАРИДОРЛАРГА:

**— ичига сунъий мўйна солинган серкавак резина тагчармли елимлаш методи билан мустаҳкамланган ботинкалар;**
**— пахмоқ таглик солинган иссиқ ботинкалар;**
**— серкавак резина тагчармли хром полуботинкалар;**
**— юзаси синтетик материалдан тикилган серкавак тагчармли полуботинкалар;**

— 3 хил моделдаги ХОНАКИ ТУФЛИЛАР ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ.

Моделли туфлиларнинг баъзиларига Давлат Сифат белгиси қўйилган.

Савдо - кўргазмасидан «Конверт» ва «Лаофер» типидаги моделли туфлиларни харид қилишингиз мумкин.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

4-фирма магазинининг адреси: Тошкент шаҳар, Маҳсидўзлик кўчаси (1, 2, 4, 6, 7, 18-троллейбуслар, «Калинин майдони» бекати).

**Марказий лойиҳалаш-конструкторлик ва технология бюроси. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги.**

ВРАЧЛАР, МЕДИЦИНА ВА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



ПЕПСИДИЛ

**Бу препарат шўр-нордон эритма бўлиб, тўнғиз меъдаси шиллиқ пардаси тўқималаридан ферментатив гидролиз йўли билан олинади.**

Препарат пепсин ва пептонларга бой бўлиб, меъда безлари натурал секретининг барча таркибий қисмларидан ташкил топган. У меъда ости безининг суюқлик юритиш фаолиятини, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди. Ошқозон-ичак касалликларида, меъда бези секрециясн сусайган (гипо — ва анацид гастрит) вақтда истеъмол қилинади.

Препарат суюқ ҳолда 250 мл, 450 мл дан чиқарилади. Уни кунига уч маҳал, овқатланиш пайтида, совуқ ҳолда, 1—2 ош қошиқда кичик қултум билан ичилади. Даволаниш курси 2—3 ҳафта.

Минмедпром Союзмедсбтининг Марказий улгуржи-савдо конторасн.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника бўйича Давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ
149-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ЎҚУВ ИИЛИГА
ҚЎШИМЧА

# Ўқувчилар қабул қилади

**БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал деталини бичувчи, кесувчи, пойафзал юзасини тайёрловчи, пойафзал фрезерчиси, пойафзал затяжкачиси, контролер, слесарь-ремонтчи, пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи, электромонтёр.**

**Ўқиш муддати— 1 ва 2 йил.**

**Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.**

**Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва у ердаги туристик, спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинган ўрта маълумотли ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса тўла давлат таъминотида бўладилар (уч маҳал овқат ва кийим бош). Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 50 процента тўланади.

**Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.**

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак:** директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см), ўқиш жойидан характеристика.

**Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Визнинг адрес: Тошкент шаҳар, Гавҳар кўчаси, 124-уй, 84-автобус, 16-троллейбуснинг «2-пойафзал фабрикаси» бекати.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети
1-пойафзал фабрикаси қошидаги
143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1978—79 ўқув йилига**

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи** (ўқиш муддати — 2 йил) **чарм кесувчи** (1 йил), **заготовка тикувчи** (2 йил) **силлиқлаш ишини бажараоладиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил), **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил) **контролёрлар** (2 йил), **слесарь-ремонтчи** (2 йил), **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи** (1 йил) **аёллар чарм сумкаларини тикувчи** (1 йил).

**Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда гуруҳлик спорт ва ҳаваскорлик тўгаракларн мунтазам ишлаб турибди.**

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

**Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.**

**Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.**

**Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади**

**Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.**

**Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:** директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлигини тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.). ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

ҲУРМАТЛИ ПАССАЖИРЛАР!

КУЗГИ ВА ҚИШКИ МАВСУМДА ШАҲАР ТРАНСПОРТИ ҲАЙДОВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТИ АНЧАГИНА МУРАККАБЛАШАДИ.

**Ана шу пайтларда ҳайдовчиларни билет олиш ёки пул майдалаш мақсадида чалғитманг. Трамвай ва троллейбусларда юриш учун лозим бўладиган абонемент билетлари барча магазинларда, лимонад савдоси дўконларида, союзпечать, трамвай ва троллейбус бошқармасининг дўконларида, ошхоналар ва кафеларда, маиший хизмат кўрсатиш пунктларида, алоқа бўлимларида, омонат кассаларида ва аптекаларда сотилмоқда. Агарда транспортга чиққунча абонемент талонларини сотиб олишга улгурмаган бўлсангиз, вагонларга ўрнатилган пул йиғувчи кассаларидан фойдаланинг.**

Ҳайдовчиларга фақат тўхташ бекатларида трамвай учун 30 тийин, троллейбуслар учун эса 40 тийинлик абонемент билетлари сотишга ижозат берилади.

Трамвайлар, троллейбуслар ва автобуслар учун мўлжалланган баҳоси 5 сўмлик ойлик билетлардан фойдаланиш ҳар томонлама қулайдир.

Студентлар, ўрта махсус ўқув юртлари ва мактабларнинг ўқувчилари имтиёзли ойлик билетларни сотиб олишлари мумкин.

**ҲАРАКАТНИНГ ХАВФСИЗ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАРАКАТНИНГ БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН ПАССАЖИРЛАРНИНГ ЎЗЛАРИГА БОҒЛИҚ ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАНГ!**

## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

**20 НОЯБРЬ — ДУШАНБА**

**Марказий телевиденнесининг «Восток» программаси**

17.10 «Комсомольская правда» газетасининг совғини учун ГТО кўпкураши бўйича СССР чемпионати. 17.45 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари Г. Д. Онуфриенко, П. Г. Якубовский, О. Н. Смирнов, М. Д. Цикин билан учрашуви. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Учинчи йил — зарбдор йил». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Беке тов олиб боради. 19.25 Совет Армияси Марказий академик театри «Васса Железнова» фильм-спектаклининг премьераси, (М. Горький пьесаси). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». 22.30 Эркин кураш бўйича СССР кубоги учун. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 23.00 Ҳужжатли фильмлар программаси. 23.35 Янгиликлар.

**Ўзбекистон телевиденнесининг программаси**

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Девор». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник». 18.45 «ЭСКАТО БМТ». Ўрта Осиё ва Тинч океан мамлакатлари қишлоқ хўжалигини электрлаштириш мутахассисларининг халқаро семинари (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Фарғона область Бувайда район Маданият уйи маҳомчилар ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Разал оқшоми». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 Ж. Верди. «Травиата». Самарқанд опера ва балет театрининг спектакли. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ**

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак». Болалар учун мультфильм. 19.10 «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

**21 НОЯБРЬ — СЕШАНБА**

**Марказий телевиденненнинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари Г. Д. Онуфриенко, П. Г. Якубовский, О. Н. Смирнов, М. Д. Цикин билан учрашуви. 10.10 М. Горький. «Васса Железнова». Совет Армияси Марказий академик театрининг фильм-спектакли. 15.00 «Венгрия бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.35 «Композитор Д. Шостакович». 16.20 «Спорт классн». 17.05 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 17.40 «Ёшлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш янси бор». 19.00 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. 19.30 Литва ССР халқ артисти Э. Канява куйлайди. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 20.05 «Электр энергиясини тежанг». Кўрсатувни «Одессаэнерго» бирлашмасининг Бош директори В. И. Корсуненко олиб боради. 20.25 «Аревик». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Евгений Мравинский дирижёрлик қилади». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Олимпия мўлжали». Ҳужжатли фильмлар. 23.25 Янгиликлар.

**Узбекистон телевиденнесининг программаси**

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «А. Грибоедов. «Ақллилик балоси». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. (рус.). 12.00 «Асос». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Абдулла Қаҳҳор» — етуқ прозаик». Адабиётдан ўқув кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Типа лақабли чумоли». Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, коксомол!». 18.40 «Феруза». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ленинча стратегияси ва тактикаси». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбектелефильм-78». Кинокўрсатув (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг республикада хизмат кўрсатган артист И. Бўронов раҳбарлигидаги халқ ансамбли концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор»— мардлар майдони». 22.15 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — «Шахтёр» (Прокопьевск). «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж. 3-давр ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ**

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «24—25 қайтмаяпти». Бадиий фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ
20 НОЯБРЬ, 1978 й.
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-55-65 шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-58-81; «ахборот — 33-28-95 спорт ва қарбий-ватанпар варлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42, 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг нашриёт диспетчери навбатчилари — 33-90-50.
Р — 13224. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1462.